

“ _____ ” _____ 20 _____ йилдаги
Банк ҳисобварағи ва комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича _____ - сонли Шартномасига
3-илова

Масофадан хизмат кўрсатиш тизимидан (МХКТ) фойдаланган ҳолда банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш ва I-Кеу электрон калитдан фойдаланиш Шартлари

Банк қуйидагиларни таъминлайди:

- мижозни аутентификациялаш;
- электрон тўлов ҳужжатларини ишга тушириш;
- электрон тўлов ҳужжатларини шифрлаш ва банк ахборот тизимларида ишлов бериш учун уларни алоқа каналлари орқали узатиш;
- ахборот хабарларини қабул қилиш-узатиш;
- ҳисобот шакллари (шахсий ҳисобварақларни, электрон тўлов ҳужжатларини, ишга туширилган ҳужжатларнинг рўйхатини) кўриб чиқиш ва босиб чиқариш.

МХКТ бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширганда, Мижоз ўз ҳисобварағидан маблағларни фақат электрон тўлов ҳужжатлари шаклида ўтказди.

Банк ва Мижоз МХКТда фойдаланиладиган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва электрон-рақамли имзони бериш услубини тан оладилар.

Мижоз алоқа каналлари бўйича келиб тушган электрон-пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига беришни Банкка ишонади. Қоғоз ташувчидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида яратилган ва МХКТ орқали олинган, электрон-рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов топшириқномаси, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхасига тенглашади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Банк ёки Мижозда электрон ҳужжатлар билан алмашишга тўсиқлик қилувчи бирор ҳолат юзага келган тақдирда, Мижоз томонидан қоғоз ташувчидаги тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан (МХКТ) фойдаланган ҳолларда, Мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

Янги операцион кунда иш бошлашдан олдин, аввалги операцион кун учун ўз шахсий ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқларни текшириш, айланма ва қолдиқлар тўғрисидаги маълумотлар мос келган ҳолда электрон тўлов ҳужжатларини киритишни бошлаш, акс ҳолда тафовутлар сабабларини аниқлаш зарур. Мижоз ва Банк ўртасида маълумот сўровлари ва хабарлари алмашинуви, шахсий депозит ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқларни текшириш натижаларидан қатъий назар амалга ошириш.

Ахборотнинг хавфсизлиги ва уни техник ҳимоялаш бўйича барча қоидаларга риоя қилиш. МХКТ билан ишлашнинг ички режимини шундай тартибга солиш керак-ки, бунда у билан ишлашга рухсатга эга бўлмаган бошқа шахслар томонидан МХКТдан, шунингдек молиявий ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш имкониятини истисно қилиш.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг биринчи нусхалари асосида маълумотларни МХКТга киритишни амалга ошириш. Электрон пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари реквизитларининг мазмуни учун жавобгарлик ушбу электрон ҳужжатни имзолаган электрон рақамли имзо эгасига юклатилади.

Шахсий ҳисобварақлар бўйича кўчирмалар қабул қилинганда, электрон тўлов ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган ва кирим қилинган суммаларнинг мувофиқлигини текшириш.

Электрон рақамли имзонинг асосий элементларини белгиланмаган мақсадларда фойдаланилишидан ҳимоя қилиниши ва сақланишини ва Банкка юбориладиган хабарларни ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Электрон рақамли имзолардан фақат Мижознинг фармойишига биноан, фақат бунга

ваколатли шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаш.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калити йўқолганда ва бошқа рухсатсиз кириш хавфи юзага келган ҳолларда, бу ҳақида дарҳол Банкка хабар бериш. Бундай ҳолда, МХКТ ишлашининг тикланиши фақат электрон рақамли имзо ёпиқ калити ва Мижоз пароллари алмаштирилгандан кейин амалга киради.

Мижоз ҳисобварағига кириш қилинган тўлов талабномалари тўғрисида маълумот олиш мақсадида ҳар куни 1-сонли Картотека ҳолати тўғрисида ҳисоботни шакллантириш.. Ушбу ҳисоботдаги маълумотлар Банк билдиришномасига тенглаштирилади. Агар ҳужжат 1-сонли Картотекага жойлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кейин Мижоз акцептдан ёзма равишда рад қилмаса, талаб акцептланган ҳисобланади ва умумий тартибда тўланиши лозим.

МХКТга ҳужжатларни киритиш тугатилгандан сўнг, Мижоз (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи масъул ходим) ҳужжатнинг асл нусхасини унинг электрон нусхаси билан таққослаб текшириши ва электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши керак.

МХКТ орқали Банкдан қабул қилинган ахборотни Мижоз фақатгина кўриш ва чоп этиш имкониятига эга бўлади.

МХКТдан фойдаланишни, паролларни ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитини учинчи шахсларга тақдим қилинганлиги оқибатида юзага келган зарар учун, электрон пул-ҳисоб-китоб (тўлов) ҳужжатларининг нотўғри расмийлаштирилгани учун Банк жавобгарликни олиб бормади.

Банк Мижоз томонидан учинчи шахсларга МХКТга электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ва парол берганлиги натижасида юзага келидаган зарар, электрон пул-ҳисоб-китоблар (тўлов) ҳужжатларининг нотўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

Масофавий хизмат кўрсатиш тизимида (МХКТ) мавжуд маълумотларни ҳимоя қилиш учун Банк қуйидаги мулкдан вақтинча бепул фойдаланишга бериш, Мижоз эса уни қабул қилиб олиш ва ўз вақтида қайтариб бериш мажбуриятини олади:

Мулк номи	Микдори (дона)	Инв. №	Суммаси (сўм)
I-key (ePass) электрон калити	1		

Банкдан I-key (ePass) электрон калитни Банкдан Мижозга Қабул қилиш-бериш, ушбу Шартнома 10-иловасининг 1-Жадвалига мувофиқ шаклдаги Қабул қилиш ва топшириш далолатномасини расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бунда, Банк I-key (ePass) электрон калитни имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчага мувофиқ банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган Мижоз раҳбарига тўғридан-тўғри топширади, ва калитни қабул қилиш раҳбарнинг имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Мулк, ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида мижознинг масофадан хизмат кўрсатиш тизимида (МХКТ) тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш ҳоҳиши бўлганда ва ушбу хизматлар учун ўз вақтида тўлов амалга оширилганда берилади. Ушбу Шартнома бекор қилинган/ёки МХКТдан фойдаланиш рад этилган тақдирда, Мижоз Шартнома бекор қилинган куни ёки МХКТ хизматларидан воз кечган куни мулкни қай ҳолатда қабул қилган бўлса, шу ҳолатда Банкка топшириши шарт. Мижоз унинг раҳбари шахсида Шартномани бекор қилиш тўғрисида ариза берган/ МХКТдан фойдаланиш рад этилган куни I-key (ePass) электрон калитни Банкка қайтариши ва ушбу Шартнома 10-иловасининг 2-Жадвалига мувофиқ, Қабул қилиш ва топшириш далолатномасини расмийлаштириши лозим.

Масофадан кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов Банк тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Тўлов топшириқномаларини қабул қилиш хизматини масофадан туриб амалга оширганлик учун тўловларни ҳисобдан чиқариш Мижознинг ҳисобварағидан пул

маблағларни акцептсиз тартибда ҳар ойда жорий ойнинг 25-санасига қадар, Мижоз ҳисобварағининг активлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддаси асосида акцептсиз тартибда амалга оширилади, бунга Мижоз чақириб олмайдиган (безотзывное) ва рад қилиб бўлмайдиган ҳуқуқини тақдим этади.

Мижознинг ҳисобварағида Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзни қоплаш мақсадида маблағлар йўқ ёки етарли бўлмаган ҳолларда, тўланмаган қарзнинг қолган қисми белгиланган тартибда тўлов талабномасини юбориш орқали Мижознинг 2-сонли Картотекасига жойлаштирилади ва у ўрнатилган тартибда ижро этилади. Кўрсатиб ўтилган тўлов талабномаси ҳеч қандай қўшимча тасдиқловсиз Мижоз томонидан акцептланган ҳисобланади.

Мижоз унга берилган мол-мулкни иккиламчи ижарага (субаренда) тақдим этишга, ундан бепул фойдаланишга беришга, I-key (ePass) электрон калитни, шунингдек, ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга беришга, гаровга қўйишга ҳақли эмас.

Берилган мол-мулкни қайтариб олишда, Банк Мижознинг вакили иштирокида унинг тўлиқлигини текширади ва техник кўрикдан ўтказилади.

Берилган мол-мулк тўлиқ бўлмаган ёки носоз ҳолатда бўлса, икки томонлама Топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади. Мижоз мулкнинг носозликларини ўз ҳисобидан, Далолатнома тузилган кундан бошлаб уч кун ичида бартараф этиши мажбур. Агар бундай носозликларни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, Мижоз бундай носозликлар аниқлангандан кейин уч кун ичида мол-мулк қийматини тўлиқ коплаб бериш мажбуриятига эга бўлади.

Мижоз ўз ходимларининг хатти-ҳаракатлари учун Банк олдида жавобгар ҳисобланади.

Агар Мижознинг ёки унинг ходимларининг айбли хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида зарарлар юзага келиб чиқса, Мижоз Банкка етказилган зарарни қоплайди.

Банк исталган вақтда берилган мол-мулкни мониторингини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Зарарларни қоплаш Шартномани бузган томонни мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Мол-мулк/ePass (I-key) электрон калити ўз вақтида қайтариб берилмаган тақдирда, шунингдек ушбу Бўлимда кўрсатилган мажбуриятлар бузилган тақдирда, Мижоз Банкка Банк тарифларида кўрсатилган миқдорда жарима тўлайди. Мижоз шу билан Банкка белгиланган жаримани Мижознинг ҳисобварағидан акцептсиз тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқини беради.

Мол-мулкка тасодифан зарар етказиш хатари учун Мижоз жавобгар бўлади.

Агар Мижоз МХКТ хизматларидан фойдаланилганлик учун 2 ойдан ортиқ вақт давомида тўловларни тўламаган бўлса, Банк бундай ўчиришдан 10 (ўн) кун олдин Мижозни олдиндан огоҳлантирган ҳолда МХКТда хизматлар кўрсатишни ўчириб қўйиш ҳуқуқига эга. Мижоз Банкнинг МХКТдаги хизматлари учун юзага келган қарзни сўндирган тақдирда, Банк Мижозни МХКТга қайта улаш учун ариза берган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида Мижозни МХКТга қайта улаш ҳуқуқига эга.

Банк ноқонуний операциялар амалга оширилганда ва киберҳужумларни уюштиришга уринган ҳолларда ҳам алоқани узиб қўйишга ҳақлидир.

Мижоз ePass (I-key) электрон калитини йўқотиб қўйган тақдирда, шу куннинг ўзидаёқ ePass (I-key) электрон калитининг йўқолганлиги, МХКТда хизмат кўрсатишнинг тўхтатилиши ва жаримани тўлаш тўғрисида ёзма ариза билан дарҳол Банкка мурожаат қилади. Бундай ҳолда, Банк Мижоз томонидан ePass (I-key) электрон калити йўқолганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва Мижоз ушбу тасдиқланган тарифларга мувофиқ жарима тўлайди.